

*Анвар Обиджон*

# КЕТМАГИЛ

*ШЕЪРЛАР*

ТОШКЕНТ  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ  
ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ  
1985

Уз 2  
О-14

А 4702570200 — 54  
М 352(04) — 85 25 — 85

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти, 1985 й.

*Ушбу китобчамни дадам Обиджон  
Баҳром ўғли хотирасига бағишлай-  
ман.*

*\* \* \**

*Урилажак дўқлардан,  
Узилажак ўқлардан  
Омон асра мени, чарх!*

*Туғилажак нафратдан,  
Тўқилажак тухматдан  
Омон асра мени, чарх!*

*Айтилажак қарғишдан,  
Алдаяжак олқишдан  
Омон асра мени, чарх!*

*Таъма юқи тузлардан,  
Номеҳрибон кўзлардан  
Омон асра мени, чарх!*

*1974*

## АБАДИЙДИР НУР ВА ҲАҚИҚАТ

---

\* \* \*

Нодонларга арзим йўқ менинг,  
Сўздан маъно термайди улар.  
Номардлардан қарзим йўқ менинг,  
Сўрасанг ҳам бермайди улар.

Она юртим, сенга арзим бор:  
Ҳақ сўз айтсам, бўлгил мен томон.  
Онажоним, сендан қарзим бор:  
У — вужудим, танамдаги жон.

1972

### ФАРҒОНАЛИҚЛАР

Неча хил ғанимлар сочди қаҳрини,  
Ийглашни билмади фарғоналиклар.  
Гоҳи дўст тилса-да юрак-бағрини,  
Дўст дилин тилмади фарғоналиклар.

Кўрди кўп зилзила, селни, тошқинни,  
Кўрди кўп талонни. кўрди босқинни,  
Кўрса-да кулбаси юзлаб ёйғинни,  
Юртидан жилмади фарғоналиклар.

Берса ҳам жангларда мингталаб мардин,  
Мағрур чиқди қоқиб этакнинг гардин,  
Ўткинчи қисматнинг ўткинчи дардин  
Назарга илмади фарғоналиклар.

Садоқат бор жойда — диёнат омон,  
Сотқинлик ёмондир, хиёнат ёмон,  
Ёвга эл бўлмаган каби ҳеч замон,  
Ёвни эл қилмади фарғоналиклар.

Меҳмони отда-ю, ўзлари яёв,  
Кўзлари сокин-у, қалблари асов,  
Зўрларни аския қилди беаёв,  
Ожиздан кулмади фарғоналиклар.

Ҳануз ал-Фарғоний биз билан ўйлар,  
Нодира то абад газалин сўйлар,  
Маъмуржон ҳар кеча «Елғиз»ин куйлар,  
Гўрда ҳам ўлмади фарғоналиклар.

Тун чўкса, ёр эрур қасоскор сабр,  
Порлоқ тонг сари йўл азал сержабр,  
Ҳаёт деб курашди... Дунёга ахир —  
Бекорға келмади фарғоналиклар.

1982

## ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ

Рухингизга сизнинг чоқ  
Ҳис қиламан ўзимни руҳсиз.  
Дўст қалбида тириксиз,  
Бироқ —  
Ғаним учун оламда йўқсиз.

Сўнгач, яна чақнайди чақмоқ,  
Ғазо борки, ёғду ҳамнафас.  
Омон бўлса эл,  
Она тупроқ,  
Сиз охири Абдулла эмас.

Зотан мангу Замин ва Ҳаёт,  
Абадийдир Нур ва Ҳақиқат.  
Абадийдир Қалб ва Эътиқод,  
Абадийдир Ватан ва Миллат.

Арвоҳингиз бахтли отадек  
Юртга боқсин бугун шод бўлиб.  
Юртда минглаб Анвар, Отабек  
Улғаймоқда темирзоғ бўлиб.

Улар тўсар ёвуз дарёни  
Ва кўчманчи барханларни ҳам.  
Узгартирар Ерни,  
Самони,  
Қилиб чодир, гулханларин жам.

Ҳам борлиқни яшнатиб улар,  
Ҳам қўриқлар советлар элин.  
Қизилқумда ўсмоқда гуллар,  
Мирзачўлда кезмоқда Ленин...

Арвоҳингиз бахтли отадек  
Юртга боқсин бугун шод бўлиб.  
Юртда минглаб Анвар, Отабек  
Улгаймоқда темирзот бўлиб.

1982

### ҚИРҒИЗ ДУСТИМГА

Тугилганмиз бир уйда,  
Битта ота-онадан.  
Жой ажратди чарх бизга  
Бошқа-бошқа хонадан.

Бошқа-бошқа даладан  
Ийғиб олсак ҳамки дон,  
Қолаверди ўртада  
Тегирмон ва дастурхон.

Эсла, дўстим,  
Қай кузда  
Мўл бўлмаган донимиз?  
Афсус, гоҳи тандирдан  
Талон бўлди нонимиз.

Қонхўр, ёвуз тўдалар  
Бизни бирга талашди.  
Бизни бирга эзишди,  
Бизни бирга алдашди.

Бирга кездик  
Қул бўлиб,  
Босқинчилар юртида.  
Ёнди нодир асарлар  
Босқинчилар ўтида.

Бироқ ўтда куймайди  
Неки бўлса муқаддас.  
Яшайверди қалбларда  
Гўрўглибек ва Манас.

Достонларни асрашга  
Қодир экан дилимиз,  
Яшинга ҳам дош берар  
Бизнинг  
Она тилимиз.

Неча очкўз ганимлар  
Уйимизни титишди.  
Фақат Ватан ишқини  
Уғирлолмай кетишди.



Қўй, сен эски кин билан  
Чор тарафга бўйлама.  
Қарвонларга ортилган  
Сандиқларни ўйлама.

Бизга насиб қилмади  
Биз тўлатган сандиқлар.  
Қолди дардманд юрагу  
Кўкракдаги чандиқлар.

Азоб берса чандиқлар,  
Инграгаймиз биз ҳамон.  
Минг шукурки,  
Ўртада  
Омон қолди тегирмон.

Омон қолди мағрур бош,  
Танда — чайир жонимиз.  
Айнимаса бас, дўстим,  
~~Келажакда қонимиз.~~

Туширмайлик қўллардан  
Соф қон янглиғ байроқни.  
Юракларда асрайлик  
Ваганни,  
Иттифоқни!

1978

## МАРТИН ИДЕН

Далли тугён,  
Аламкор бир ҳис  
Сигдирмади уни заминга.  
Масхарабоз ҳаёт,  
Дидсиз қиз,  
Молпараст дўст тиг санчди унга.

Олчоқ мулкдор,  
Жоҳил ноширлар  
Қайдан билсин — недир эҳтирос.  
Улар-чун завқ — сўққабош лобар,  
Мансаб  
Ва пул аталмиш қогоз.

Ҳақгўйлиги — эркига раҳна,  
Мардлик бошга бало бўлган чоқ,  
У ўйлади:  
Ер — ифлос саҳна,  
Туйғу — эрмак,  
Иисон — қўғирчоқ.

Яхшилар кўп.  
Мистер Жек Лондон  
Халос этди уни бу дарддан. —  
Тинч сузарди кема...  
Ногаҳон —  
Сувга отди йигитни бортдан.

...Унга гүё ҳамон недир кам,  
Юрагида ҳануз армон,  
Кин!  
Бетоқат, шўх денгизга боқсам,  
Кўз ўнгимда жонланар  
Мартин.

Тўлқин увлар,  
Тўлғанар денгиз,  
Қасоскор руҳ юрибди дайдиб.  
Соҳил билан жанг қилар тенгсиз,  
Даҳшат солар  
Қайтиб ва қайтиб.

Исёнкорсан,  
О, Мартин, ҳануз,  
Энди дардманд денгизсан, аммо,  
Қоялар-чи?  
Очкўз ва ҳиссиз —  
Лордлар юрти — фирибгар дунё.

Қоялар мўрт,  
Абадий эмас,  
Бироқ бўлмас осон чилпарчин,  
Ким айтди: эрк — шунчаки ҳавас?  
Эрк бу — кураш,  
Бўш келма, Мартин!

1974

## МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Тафаккурим нигоҳида  
Термиламан ўтмишга.  
Кимдир бир юз ўнга кирган,  
Кимдир бир юз етмишга!

Юз етмиш йил тутаб ўтар  
Қимлардир ҳўл ўтиндай.  
Ундай одам фақат сиртдан  
Қўринади бутундай.

Ҳамза эса қирқ йил яшаб  
Айланолди чақмоққа.  
Улгурди у минг йилларнинг  
Чириндисин ёқмоққа.

У биларди —  
Оламда кўп  
Сохта қувонч ва шодлик.  
Чин инсөн-чун энг буюк бахт  
Тўқлик эмас, озодлик...

Бу муқаддас туйғуни чарх  
Асрамоқда пок ҳамон.  
Бу туйғуни янчиб бўлмас  
Қилиб ҳатто тошбўрон.

1981

\* \* \*

Болакайни барвақт уйготинг,  
Қилса қилар бир бор инжиқлик.  
Пайдо бўлсин мурғак қалбида  
Муқаррар ул тонга интиқлик.

Кўриб қўйсин  
Зулмат қўйнида —  
Латофатин йўқотган богни.  
Қийналса ҳам, қидириб ўзи —  
Топиб олсин ойдин сўқмоқни.

Кўрсин ухлаб ётган қушларни,  
Чаҳ-чаҳ солиб булбул сайрашин.  
Булбул зотин қўрқита олмас  
Калхатларнинг товуш пойлаши.

Соҳил томон чиқиб борган он  
Англаб етсин эътиқод, ишқни:  
Сойга бир пул замон ва ҳоқон,  
Куйлар ўзи севган қўшиқни.

Термиларкан ўйчан ва маъюс  
Нурлар жило қилгучи ёққа,  
Қаҳри келсин қуёшни тўсган  
Баҳайбат ва тошбағир тоққа...

Болакайни барвақт уйготинг!..

1976

## МАШРАБ ДОР ОСТИДА

Мард ва ночор дўстларим,  
Қаҳ-қаҳ уринг..  
Уляпман.  
Мотамсаро турманг жим,  
Қаранг, мен ҳам куляпман.

Қаҳ-қаҳ уриб,  
Зил дарддан —  
Соқит этинг қалбимни.  
Кўриб қолай бир марта  
Яйраб кулган халқимни.

1975

\* \* \*

Сигаретинг сўнггиси бўлса,  
Икки тортим қолдир, оғайни.  
Қандай яхши  
Кўкда ой тўлса,  
Сайру суҳбат пайтидир айни.

Шодон эсанг яширма ҳаргиз,  
Кулишайлик,  
Суҳбатни безат.  
Ғаминг бўлса тортмагин ёлғиз,  
Икки тортим менга ҳам узат.

1973

## ПАБЛО НЕРУДА

Расво бўлган номус-ор учун,  
Жангда ўлган дўст учун йиғланг.  
Ев топтаган гул диёр учун,  
Тақиқланган сўз учун йиғланг.

Қолган дардлар — чархнинг ҳазили.

1979

## У Ф И Л

Тоб ташлаган йиғлоқ эшикни  
Астагина очинг, аяжон.  
Қўмсагандай мунгли қўшиқни,  
Дуонгизни согиндим чунон.

Фотиҳага қўлни очган дам  
Тилардингиз менга бахт-файз.  
Дер эдингиз:  
«Улгайиб, болам,  
Бўла қолгин колхозга раис...»

Афсус, телба кўнгилнинг майли  
Таслим этди жуссамни жангсиз.  
Шоирликка даъвом туфайли  
Барбод бўлди «буюк режа»нгиз.

Раис бўлсам, қийиқни тангиб—  
Енингизга қайтардим ҳар кеч.  
Дом-дараксиз кетмасдим сангиб,  
Хатимга зор бўлмасдингиз ҳеч...

Мана, келдим бугун соғ-омон,  
Енгга артиб манглай теримни.  
Шаҳарларда кездим гиргиттон,  
Ноширларга мақтаб шеъримни.

Сесканмадим турса ёт кўча,  
Жирканмадим ўзга болишдан.  
Фақат қўрқдим гөҳида пича  
Сизни кўрмай ўлиб қолишдан.

Ахир ҳар гал тунд боқса ношир,  
Вужудимда дилдирарди жон.  
Туюларди бошим ҳам оғир...  
Бошгинамни силанг, аяжон.

Майли, юзим сийпалаган чоқ  
Тимдаласин қадоқ қўлингиз.  
...Эҳ, билмайсиз, бу қўлни нечоғ  
Севишлигин ношуд ўғлингиз.

1978



## САҲРОЙИ БОЛА

*Абдулла Ориповга*

Шимол қишин келтирган шамол  
Чекинмоққа ундар қумлоқни.  
Сарбонларни қилмоқчидек лол,  
Кўймоқ истар кўҳна сўқмоқни.  
Мунчоқ кўзли саҳройи бола  
Барханларда изиллар яёв.  
Янтоқлардан таралган нола  
Мурғак қалбин тирнар беаёв.  
Саксовулдан олгандек ибрат  
Одимлар у буркамасдан бош.  
Кўзларида ёниқ бир шиддат,  
Қипригида лойқаланган ёш.  
Ғижирлатар тишларин ўчкор,  
Кучли эди қаҳри довулдан.  
Кучукчасин қайсидир хунхор  
Қувалабди саваб  
Овулдан.  
«Беҳ, Олапар!  
Олапар!!!» — дея,  
Одимлар у жовдираб ҳар ён.  
Довул мисли қутурган туя,  
Оч сорлардек ёприлар тўзон.  
Бўзлар экан саҳройи бола  
Оғзи шўрттак қумларга тўлиб,  
Ҳар бир янтоқ қиларди нола  
Таҳқирланган кучукча бўлиб.

1978

## УСТОЗГА МАКТУБ

Согингандим кўришмай узоқ,  
Хатингизни олдим эргалаб.  
Кўпроқ ҳамда яна яхшироқ  
Шеър ёзмоғим қилибсиз талаб.

Инжиқликни кўрмагайман эп,  
Ҳар қалай, сал раҳм этинг, устоз.  
Ғамхўрим ва меҳрибоним деб,  
Ахир Сизга қўйганман ихлос.

Бир қарашда жуда силлиқ гап:  
«Кўпроқ ҳамда яхшироқ ёзиш...»  
Бу дегани — жуда кам ухлаб,  
Дил дардларин чуқурроқ қазиш.

Биласиз-ку,  
Ҳислар тўфонин  
Шеърга солмоқ эмасдир ўйин.  
Баъзиларга кўнгил армонин  
Тушунтирмоқ ундан ҳам қийин.

Дардлардан гап очишим билан  
Қўшним лоқайд силтаб қўяр қўл:  
— Ҳамма жойда тўляпти план,  
Қорнимиз тўқ,  
Ука, хурсанд бўл.

Тунов куни учраб бир шоввоз,  
Деди:  
— Бунча ўчсан қизларга?  
Ундан кўра, дўкончини ёз,  
Пайпоқ топиб берсин бизларга...

Эшитмоқлик гўлдан писанда  
Даҳшатлидир сувга чўкишдан.  
Ичгинг келар бундайин дамда,  
Юпанасан ёки чекишдан...

Хуллас, соғман,  
Тинчдир уй, қишлоқ,  
Сингани йўқ ҳозирча созим.  
Кўпроқ ҳамда яна яхшироқ  
Хатлар ёзиб тулинг, устозим.

Туйсангиз ҳам исидан ҳасрат,  
Ҳидлаб қўйинг шогирд «гули»ни.  
Сизга атаб битдим шеърий хат  
Ва кутмасман қалам пулини.

1978

\* \* \*

Оқ байталнинг тақаси  
Муҳрин босар тупроққа.  
Чол охирги чақасин  
Тугиб қайтар белбоққа.

Бозор қилиб қайтар чол,  
Байталини йўрттириб,  
Эгардаги олашол —  
Хуржунини бўрттириб.

Кенг қўнжида ипқамчи,  
Чўнтагида мурч-зира.  
Овул унинг юпанчи,  
Овунчоғи — набира.

Набиранинг ризқидир  
Хуржундаги «қақа»лар.  
Тугамаса бас умр,  
Топилади чақалар.

1979

## ҲАМИД СУЛАЙМОН

*Кўрса эди бу шеърни туркий тилин билиб,  
Юз офарин ўқиғай эди шоҳимиз камол.  
Ҳофиз Хоразмий*

Тангри бўлиб  
Қайтарди у  
Онага ўз дилбандин. —  
Тоғиб келди Ҳиндистондан  
Хоразмнинг фарзандин.

Куйлатолди  
Неча юз йил  
Куйламаган бир дилни.  
Яхшиямки, биларди у  
Шоҳлар билмаган тилни.

1982

## КАМЧАТҚАДА КЕЧ КУЗ

Йўлакларда ўрмалар  
Барглар мисли ўргимчак,  
Печкасига ўт қалаб,  
Портда ухлар «Баскунчак»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Танкернинг номи.

Булдуруқнинг заптидан  
Чатнар ҳатто тош девор.  
«Тёщин язык»<sup>1</sup> ортида  
Мудрар кекса қайинзор.

Қулоқларни чимчилар  
Шўр денгизнинг совуғи.  
Кўн этикни юмдалар  
Заранг ернииг қобиғи.

Боқсам кулгим қистайди  
Сафардошим Машрабга,  
Шолрўмолга ўхшайди  
Бошидаги жун шапка.

Шу ерда ҳам юрмас жўн,  
Хабардор у ҳар гапдан.  
Дер:  
— Арзонмиш самогон  
Елизово тарафда.

Ароқ излаб кун ўтар,  
Жонга тегди аёзлар...  
Тушларимда гул тутар  
Маргилонлик таннозлар.

1979

---

<sup>1</sup> Трассанинг жар ёқасидаги айланма қисми. Қи  
да сирпанчиқ ва хатарли бўлгани учун ҳазилк  
шофёрлар бу жойни «тёщин язык» (қайнана тили) д  
аташаркан.

## ТУРҒУН АЛИМАТ

Наво унинг қонидир,  
Сетор эса — юраги.  
Симга қўниб инграйди  
Ушалмаган тилаги.

Пардаларга кўмган у  
Тилидаги болини  
Ва чайир эт ўзбекнинг  
Таржимаи ҳолини.

1981

## БОЛАГИНА

*Дўстим Юсуф Зокировга*

Бесўнақай туфлим остидан  
Кунлар оқиб ўтган кезлари,  
Таъқиб қилар соям ортидан  
Миттигина оёқ излари.

Болалигим менинг ортимдан  
Кезиб юрар ҳануз саргардон.  
Чақноқ кўзи ялинар зимдан,  
Қайтайлик деб имлайди нодон.

Ундан кетмоқ бўлсам мен нари,  
Чопқиллар у тошиб гайрати.

Менинг ёшим улғайган сари,  
Ошиб борар унинг ҳайрати.

Узлигимдан пастдалигимда  
Гоҳ кимгадир сўйлайман ёлғон.  
Яшамоққа усталигимдан  
Болалигим ҳайрон ва ҳайрон.

Бу кеч менга жилмайган барно  
Эрта ўзга ёрга тутса лаб,  
Мен эҳтимол куйинмам,  
Аmmo —  
Болалигим йиғлайди ҳўнграб.

Ҳар қадамда меъёр ва ўлчам,  
Бунн қайдан англасин гўдак.  
Ой сўнгида маош кутсам ҳам,  
Шумтакага бўламан эрмак.

Ялинаман:  
— Шафқат қил пича,  
Таъқиб этма мени изма-из.  
Аҳил эдик сен билан кеча,  
Бугун қолмоқ истайман ёлғиз.

Айрилолмай сулув орзумдан,  
Одимлайман манзилим томон...  
Болалигим кезар ортымдан,  
Қайтайлик деб имлайди нодон.



\* \* \*

Шамол хомуш еляпти,  
Ла-ла-лай...  
Қўшиқ айтгим келяпти,  
Ла-ла-лай...

Мен куйлайман нечун гоҳ?  
Ла-ла-лай...  
Йиғламаслик учун... Оҳ!  
Ла-ла-лай...

1976

\* \* \*

«Қутлуғ жангда қўлимни —  
Узинг баланд қил доим.  
Йиртқичлардан элимни  
Омон асра, худойим!..»

Етган бўлса ҳам кўкка  
Мангуберди нидоси,  
Ён босмади ўзбекка  
Арабларнинг худоси.

1981

## АЛИ БОБО ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Али бобо,  
Али бобо,  
Бу оламда омад бордир ҳали, бобо.  
Омад қуши яхшиларни излайверсин,  
Ёмонга ҳам қўниб гоҳи қилар хато,  
Қилар хато!

Али бобо,  
Али бобо,  
Ғарибнинг ҳам келди маана гали, бобо.  
Ғариб зоти ортиб қолган кулчасини  
Узи каби бечорага кўрар раво,  
Кўрар раво!  
Али бобо,  
Али бобо,  
Қўрқмай кирдинг ёвуз ғорга, балли, бобо.  
Олтинларни қутқаролдинг моғор жойдан,  
Уларга ҳам керак ахир тоза ҳаво,  
Тоза ҳаво!..

1982

\* \* \*

Булар бари бедаво,  
Утирмайлик муштлашиб.  
Юр, кетамиз яхшиси,  
Енгил-елпи хўшлашиб.

Бу нусхалар тушунмас  
На байрам, на мотамга.  
Сочгин ҳатто қаҳрингни  
Тайинлироқ одамга.

1980

\* \* \*

Каптарига меҳрибон бола,  
Бугун бунча ухладинг узоқ.  
Уйгонди тоғ,  
Уйгонди дала,  
Ногаҳонда сесканди япроқ.

Эшигилди тонгда бир нола,  
Уни дала, тоғлар туйдилар.  
Каптарига меҳрибон бола,  
Каптарингни...  
Отиб қўйдилар!

1978

\* \* \*

Саксовулдек букчайиб,  
Номоз ўқир тул кампир.  
Уйламанг у ўзига  
Тилаяпти деб умр.

Қабул этса тилагин  
Топширмоқчи жонини..  
Қўмсар шаҳид ўғлин у,  
Қўмсар марҳум чолини.

*1981*

\* \* \*

Тураверсин:  
Уйчан букри тол,  
Мусофирни ямлаган ботқоқ,  
Қўрғошинлар тирнаган дувол  
Ва лашкарлар чекинган сўқмоқ.

Тегманг менинг хотиротимга!

*1978*

## ШЕЪРХОНГА

Уқи қорнинг очгани сайин,  
Билиб ол шеър ўқиш шартини.  
Чунки,  
Қорнинг тўйгандан кейин  
Тушунмайсан шоир дардини.

1975

## ҚУШЛАР САЙРАЙВЕРАДИ

---

\* \* \*

Атом  
кеча қонга чўқтирди Хиросимани,  
бугун даҳшатга солмоқда одамни,  
эртага култепа қилиши мумкин оламни.  
Нега энди ҳаммангиз  
шўрли Эйнштейнга хўмраясиз?

Янглишмасам,  
керосинни иқтисод қилмоқчи эди у..

1980

\* \* \*

Сизларга  
гул тутамаман,  
сув узатаман,  
нонимни бераман.  
Кулбамда  
ортнқча жой ҳам бор.

Фақат  
танкларда келманг!

1978

\* \* \*

Жуда табаррук эди  
бу коса.  
Балки  
Бобур ундан бол ялагандир.  
Балки  
Хайём ундан май симирандир.

Сув ичаётиб синдирибсан-а,  
ландавур!

1980

\* \* \*

Кўп ёниб гапирдинг,  
Менга  
келажакни  
тушунтирмоқчи бўлдинг,  
чамамда.  
Бошқатдан гапир,  
балки ҳақдирсан.  
Ҳозирча тушунмадим,  
Чунки  
сен айтаётган,  
мақтаётган ўша одамлар ичида  
мен ўзимни кўрмайман.  
Мени ҳам ўйлагин-да!

1978

\* \* \*

Бобонгга ўхшамагин, дедилар,  
тажангроқ эди бобоси.  
Дадангга ўхшамагин, дедилар,  
чўрткесар эди дадаси.  
Акангга ўхшамагин, дедилар,  
қизиққон эди акаси...

Опасига тортди  
ўша йигит.

1980

\* \* \*

Хайр дединг.  
Демак қайтишинг ҳам мумкин.  
Кейин яна ўша гаплар:  
алдоқчи янгиликлар,  
бачкана орзулар,  
тутуруқсиз хотиралар..  
Умуман, қайтишдан олдин  
бир ўйлаб кўр.

Кел, ҳар эҳтимолга қарши  
видолашайлик.

1978



\* \* \*

Шамол гувлайверади,  
қушлар сайрайверади,  
дарёлар шовуллайверади.  
Балиқ эса,  
ҳеч қачон гапирмайди.

Мен балиқ эмасман.

1979

## МЕНИНГ УЧУН ОРЗУДИР БАРИ...

---

### КИПРИГИНГ НЕГА НАМ...

Қайсидир бетайин девона  
Алжираб заҳрини сочдими;  
Куйманиб бирон шўр пешона,  
Сенга дил ҳасратин очдими,  
Кипригинг нега нам,  
Жонгинам?

Қолдингми дўстларсиз дилдираб,  
Учдими исинган гулханинг;  
Чақиндек ёки бир йилтираб,  
Алдатиб кетдими севганинг,  
Кипригинг нега нам,  
Жонгинам?

Кўриб ё тўзғиган гулларни,  
Ҳисларинг келдими жунбушга;  
Варақлаб ё «Ўтган кунлар»ни,  
Азадор бўлдингми Кумушга,  
Кипригинг нега нам,  
Жонгинам?

Ё ҳазин боқдими суратдан  
Аламноқ Фаластин аскари;

—  
Хаёлан бўлиб сен беватан,  
Кездингми у билан сарсари,  
Кипригинг нега нам,  
Жонгинам?

Эмасмиз шунчаки тирик жон,  
Олий онг мавжуддир одамда  
Ва бизда бор экан то виждон,  
Йиғлаш-чун сабаб кўп оламда...  
Кипригинг нега нам,  
Жонгинам?

1979

## КЕТМАГИЛ

Кетмагил,  
Дилбарим,  
Кўкда ой тўлар.  
Бу кун у кўнглимиз сингари ярим<sup>1</sup>.  
Чақинлар чақнагай, қалдироқ кулар,  
Толем баҳорин кутгил, дилбарим,  
Кетмагил.

Кетмагил,  
Париваш —

---

<sup>1</sup>Турсуной Содиқова ибораси.

Руҳим тангриси,  
Биламан, поёнсиз эмасдир бу дашт.  
Биламан, зебодир уфқдан нариси,  
Ҳазрати Саботга сиғин, париваш,  
Кетмагил.

Кетмагил,  
Бокирам,  
Ҳўнграб ол пинҳон.  
Уйғонай селгигач ёстиғингдан нам.  
Агар мен йиғласам, кўздан оқар қон,  
Йиғлатма. Қон тўкиш шартми, бокирам?  
Кетмагил.

Кетмагил,  
Севгилим,  
Ҳолимга тушун.  
Ўзликдан чекинмоқ — иснодли ўлим.  
Қаршингда тураркан беҳисоб тугун,  
Савол бермай яшаш қийин, севгилим,  
Кетмагил.

Кетмагил,  
Боқийдир —  
Эътиқод, кураш.  
Булардан жудо қалб ҳувиллоқ уйдир.  
О, яна йиғими? Бўлма беҳуд гаш...  
Изтироб, ўкинч ҳам балки боқийдир...  
Кетмагил.

Кетмагил,  
Йиғлоғим,  
Утар бу дамлар,  
Имоним олдида йўқдир гуноҳим.  
Биз учун тангридир яхши одамлар,  
Улардан карам кут, кутгил, йиғлоғим,  
Кетмагил.

1977

\* \* \*

Бўсаларни соғиниб,  
Жононларни ўйладик.  
Мангуликка сиғиниб,  
Она юртни куйладик.

Шунча шавқнинг барини  
Баҳам кўрдик биз бирга.  
Кел, берайлик ярмини  
Шўрлик Усмон Носирга.

1978

\* \* \*

Менинг учун орзудир бари:  
қошларингнинг сирли имоси,  
оғушингнинг нашъу намоси,  
лабларингнинг шаҳду шаккари.

Менинг учун бир умр армон:  
кўзларингда ёнмаган меҳринг,  
дил истагин уқмаган зеҳнинг,  
юрагингда сўнмаган гумон.

Ениб бўлмас дарддир мен учун:  
сен сўзимдан ранжиган дафъа,  
сен ёнимда бўлмаган ҳафта,  
сен тушимда ҳазин боққан кун.

Менинг учун хаёлдир фақат:  
эркаланиб айтган дил розинг,  
ёлғиз менга аталган нозинг  
ва қалбингда туғилган шафқат...

1975

\* \* \*

Хилватларда кезмагил танҳо,  
Аччиқ бўлар рашкнинг гурбати.  
Рашким ҳаққи, севгим ҳурмати,  
Пандларимни эслаб юр гоҳо,  
Хилватларда кезмагил танҳо.

Қабиҳларга зоғ бўл, маликам,  
Улар қабиҳ тусдамас, балки.  
Тор кўприкда турган аллаким  
Йўл беришни истамас, балки,  
Хилватларда кезмагил танҳо.

Ёдингдами сокин майсазор,  
Кимдир четдан боқиб тургани?  
Балки, сенсиз унга олам тор,  
Балки, мендир ёмон кўргани,  
Хилватларда кезмагил танҳо.

Кўлмак дея балчиққа ботар, —  
Сел йўлидан юрганга қийин.  
Балки, кимдир қўлингдан тортар,  
Балки, қўйиб юбормас кейин,  
Хилватларда кезмагил танҳо.

Шумқадамлар ажралар тўпдан,  
Ёлғизларни пок ният жамлар.  
Поклик ҳаққи, айрилма кўпдан,  
Ҳамроҳ бўлсин сенга одамлар,  
Хилватларда кезмагил танҳо.

1976

\* \* \*

Шайтон деди  
Баҳслашиб бирдан:  
«Ишқ оташин қўш-чи қонингга!»  
Севги боғин панжарасидан  
Ошиб тушдим шунда ёнингга.

Қочма, гулрӯ,  
Тутиб оламан,  
Энди йўлим тўсолмас биров.  
Васлингни ҳам ютиб оламан,  
Шайтон билан ўйнасам гаров.

1973

\* \* \*

Утаётиб,  
Багрим куйиб  
Деразангга бўйлайман,  
Мажнунтолни қучиб,  
Унга  
Дардларимни сўйлайман.

Новдаларни эмас,  
Қошки  
Сочларингни ўйнасам.  
...Раҳмим келар  
Уйда ёлғиз  
Ётганингни ўйласам.

1981



## ҒАЗАЛ ШАКЛИДАГИ ШЕЪРЛАР

### I

Бошингда мен бўлай толе, сенга иқбол керак бўлсин,  
Қарорим йўқ, ўша иқбол бу кун дарҳол керак бўлсин.

Дариг тутмам юрак қоним, келиб кошки хино этсанг,  
Қарогимдан кўчир нусха, лабингга хол керак бўлсин.

Мени қаҳринг қилур бемор, ки чин севсанг ситам этма,  
Вафодор ёрига маъшуқ нечун беҳол керак бўлсин?

Мурод истар дилим шавқдин: умид — шаккар  
тилингдандир,  
Тилингдан сўз очар чоғим тилимга бол керак бўлсин.

Қуёшдир мен учун меҳринг, дилим сенга эмиш зарра,  
Менга ботмон насиб этсин, сенга мисқол керак бўлсин.

Ҳаётда не тилак қилсанг, фидо жоним тирак этгил,  
Мен устимга олай дардинг, сенга ҳаммол керак бўлсин.

Ипакдин сўз тўқир Анвар, боқиб тўлмас эса кўнглинг,  
Сенга Эркин аканг дастгоҳидин зўр мол<sup>1</sup> керак бўлсин.

---

1 Э. Воҳидов газалларига ишора.

## II

Бу кун ғўрсиз, анор хоним, етилгайсиз, насиб этса,  
Оҳорсиз кўк либосдин ҳам қутулгайсиз, насиб этса.

Қиярсиз қирмизи кўйлак, Увайсийдек бўлурмиз лол,  
Яна ўтли сатрларда битилгайсиз, насиб этса.

Куяр тупроқ баҳорга ноз қилур деб... сўнг топар  
таскин  
«Илиқ багрим аро қишда кўмилгайсиз, насиб этса».

Фикр мағзи тўлур зора, бу енгиллик кетиб буткул,  
Пича камтарланиб, оз-моз эгилгайсиз, насиб этса.

Қуёш тафтин берур қалбим ва оҳимдан сабо эсгай,  
Кўзим ёши бўлур шабнам — чўмилгайсиз, насиб этса

Боқинг гоҳи — ётурлар зор куйингизда неча хаста,  
Деюр Анвар: «Мени кўзлаб тўкилгайсиз, насиб этса».

## III

Неча йилдир, хаёлимда мени бир қиз ялинтиргай,  
Вале аслин тополмасман, нечун бежиз ялинтиргай?

Тасаввурим яратмишдир уни жамъи нафосатдин,  
Шу боис не нафис ўлса, чўкурман тиз—ялинтиргай.

Тани гулмиш, юзи гулмиш, яна гулдан муаттармиш,  
Ялинтиргай мени наргис, яна ялпиз ялинтиргай.

Қабоғини бодомларга қиёс айлаб, бодом экдим,  
Нетай, ёзда боқиб бир бор, кузу қиш юз ялинтиргай.

Лаби гоҳи бўлиб майгун, дудоғимга яқин келгай,  
Қошин гоҳи ҳилол айлаб, туриб олис ялинтиргай,

Нигоҳ ташлар самодан ул бўлиб соҳибжамол Зухро,  
Ўзи хандон урар ҳар тун, мени маъюс ялинтиргай...

Қалом излар эсанг, Анвар, мадад сўргил Навоийдин,  
Ғазал битсам—гоҳи Машраб, гоҳи Ҳофиз ялинтиргай.

1977

### ҲАЗИЛ

Навоийга ўхшаш-чун  
Патдан қалам йўндирдим.  
Чопон кийдим сал узун,  
Бошга салла қўндирдим.

Сотиб олдим бир жуфт шам,  
Вазирбоп пар ёстиқча...  
Энди фақат талант кам  
Ва... хотиним ортиқча.

1974

\* \* \*

Ширин сўйлаб, тилингдан бол —  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.  
Фидойингга пича иқбол —  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Жамолингдан тиниқ биллур,  
Вужудингдан илоҳий нур,  
Табассум-ла тишингдан дур —  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Қучоғингдан илиқ кулба,  
Дудоғингдан шакар-қолва,  
Ёноғингдан қизил олма —  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

Кўзингдан тонг, қошингдан шом,  
Сочингдан бир заволсиз дом,  
Висолингдан ёниқ илҳом —  
Хайр қилсанг, савоб бўлгай.

1978

## РОБЕРТ БЕРНС

Қуй ачиган шаробдан  
Лаби учган қадаҳга.  
Мастлар туфлар тож-тахтга,  
Журъат олгач саробдан.

Уксинма, эй, хотинжон,  
Бут бўлмагай бу рўзгор.  
Бор экан то куч-мадор,  
Бадавлатмиз, ич, нодон.

Асли бизмас, шоҳ — гадо,  
Оддий шавққа муҳтож у.  
Ҳам бугдойи бўлса-ю,  
Ҳам май ичган зот — даҳо!

Йўл тополдик шавқ сари  
Ҳатто тор ва зах жойда..  
Ухлайверсин саройда  
Ҳазрати олийлари.

1974

\* \* \*

Ширин тушлар кўряпсиз  
Оғушимга бурканиб.  
Боқар рашкчи атиргул —  
Деразадан,  
Уртаниб.

Атиргулни ҳидладим  
Тўзғитмасдан,  
Узмасдан;  
Худди Сизни ўпгандек  
Уйқунгизни бузмасдан.

1981

\* \* \*

Чамаси,  
Бир кокилим —  
Узлар деб қўрқасиз,  
Йўқса, мени у «дор»га  
Тортардингиз шубҳасиз.

Ваҳоланки,  
Инсоф-ла —  
Уйлаб кўрсак, жонона,  
Қокилингиз қирқтадир,  
Жоним эса ягона.

1979

\* \* \*

Балки Сизга гул керакдир?  
Олақолинг гулимни.  
Балки ёниқ дил керакдир?  
Олақолинг дилимни.  
Балки содиқ қул керакдир?  
Фидокор қул мана — биз.  
Балки... балки...  
пул керакдир?  
Сабр қилинг...  
Топамиз!

1982

## БИР ПАРИ БОР...

Бўйдор, қадди келишган,  
Кўкраклари тўлишган  
Бир пари бор...  
Кимга зор?

Кўндан яшар тоқ, хомуш,  
Йигитлар дер: «Хуркак қуш».  
Иффати пок,  
Қалби чок.

Давра қурса шўх қизлар,  
У хилватроқ жой излар.  
Бу — ҳислатми?  
Қисматми?

Ҳар оқшом сой бўйида  
Бўзлар кимнинг ўйида?  
Бермас уйку  
Бир туйгу.

Мунгли боқар гулларга  
Ухшаб қари тулларга,  
Ой очса юз,  
У — маъюс.

Чирмандага ўхшар ой,  
Ел шохларда чалар най,  
Далли анҳор  
Чертар тор.

Саҳна — соҳил, парда — тун...  
Қўшиқ бошлар қиз маҳзун.  
Бу — хонишми?  
Нолишми?

Майса дилхун эгар бош,  
Шабнам — кўздан оққан ёш.  
Сақлар сукут  
Пат булут.

Сув ялаб сой қирғоғин,  
Упар қизнинг оёғин.  
Қистар секин:  
«Ол таскин!»

Қиз олисга боқар зор,  
Олисларда нима бор?  
Муҳаббатми?  
Нафратми?

Бу — ўликка ё мотам,  
Бу — тирикдан ё ситам,  
Ё унутиш,  
Ё кутиш...

Бўйдор, қадди келишган,  
Қўкраклари тўлишган  
Бир пари бор...  
Кимга зор?!

1974



\* \* \*

Ўз тинчимни ўйлайман,  
Энди Сизни суймасдан.  
Тунлар тўйиб ухлайман,  
Ҳажрингизда қуймасдан.

Фақат Сиз ҳам бир куни  
Ишқ дардига чалинманг.  
Бузиб яна уйқумни,  
Тушларимда ялинманг.

*1980*

\* \* \*

Бу дунёдан ўтганлар бир-бир  
Неча анқов,  
Неча муғомбир.  
Виждонли ва виждонсотар ҳам,  
Авлиё ва шайтонпадар ҳам.

Ўтган мендан дидли мижозлар  
Ва Сиздан ҳам сулув таннозлар.

*1978*

\* \* \*

Қаерларда юриб эдингиз?  
Сизни кўп йил қидирдим,  
Жоним.  
Ётлар учун бор эса юлдуз,  
Бўм-бўш эди менинг осмоним.

Қаерларда юриб эдингиз?  
Сизни кўп йил қидирдим,  
Чопдим.  
Осмонимнинг юлдузин, эсиз,  
Сўнаётган чоғида топдим.

1981

\* \* \*

Дилбарим, чекканим жафолар ҳаққи  
Ибодат қилурман бир умр сенга.  
Ўкинчлар, тузалмас хатолар ҳаққи  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Менга ғам ва ситам берганинг учун,  
Кўзимга қатра нам берганинг учун,  
Порадил қалам ҳам берганинг учун  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Лабингдан сўнги ул инъом туфайли,  
Висолдан умидвор оқшом туфайли,  
Тақдирдан қасоскор илҳом туфайли  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

Эрка дил ҳислария титганинг боис,  
Ғафлатдан уйғотиб кетганинг боис,  
Саботли, курашчан этганинг боис  
Ибодат қилурман бир умр сенга.

1973

# ДИЛКАШ СЕРГЕЙ КУЙЛАР ҚАЛБИМДА

---

## ЯШИЛ ТУЙҒУЛАР

Русьнинг сулув бекаси ўрмон,  
Оғушига чорловчи висол.  
Йироқ кетгач, қилурсан армон  
Шўх жувондан айрилган мисол.

Гитарангни елкангга ташла,  
Дўстим Егор,  
Юр, сайр этайлик.  
Олтин сочли қизларни бошлаб,  
Яшилликка сингиб кетайлик.

Дил ғашлиги  
Хазонлар каби  
Сўқмоқларга тушсин тўкилиб.  
Насиб этмас гўзаллар лаби,  
Самбиттолдек қолсак букилиб.

Қарағайга боқайлик голиб,  
Эшитайлик савъанинг арзин.  
Шляпасин бошидан олиб,  
Кўзиқорин айласин таъзим.

Сиполикдан ўгириб юзни,  
Думалайлик юмшоқ пичанга.  
Бўйчан шувоқ шудринг-ла бизни  
Сийласин, шоҳ сочгандек танга.

Совға қилиб арча шохини,  
Бу елпугич... ё тароқ, дебон,  
Қизлар эриб турган чоғида  
Шартта ўпиб қочсанг-чи, нодон.

Нархи тушган матоҳдир бизга  
Узгаларнинг фикри шу маҳал.  
Маънодор кўз қисгину қизга,  
Малла Егор, гитарангни чал.

Туйғулар ҳам мавж уриб бугун,  
Товланмоқда яшил бир тусда.  
Тўйиб-тўйиб куйламоқ мумкин  
Эрк ҳақида  
Поёнсиз Русьда.

1974

\* \* \*

Битта шоир камайса нима,  
Чарх яратар бошқа нухасин.  
Чўкиб кетса тўфонда кема,  
Пишиқроғин ясар устаси.

Тўфонлардан сесканма, қалбим,  
Қайиқлардек сузма қирғоқлаб.

Кемаман деб уммонга талпин,  
Юз балога ўзингни чоғлаб.

Қайиқларда — истак ва хоҳиш,  
Кемаларда — орау ва мақсад.  
Бугун сенда бир олам ташвиш,  
Гал келганда ўзингни кўрсат.

Ё тилиб ўт довулнинг кўксин,  
Ё кемадек гарқ бўл иззатда.  
Унутмагил — қайиқлар чўкса,  
Олинмайди ҳатто рўйхатга...

Тўфонлардан сесканма, қалбим!

1980

\* \* \*

Кўп азият тортасан,  
Меҳрибоним, бечорам.  
Афсус, жуда соддасан,  
Меҳрибоним, бечорам.

Менга аён тилагинг:  
Бўлмоқчисан тирагим,  
Меҳринг ўзи — кўмагинг,  
Меҳрибоним, бечорам.

Тушунмайсан, қизгина,  
Ҳар қадамда — кин, гина,

Гул деганинг гоҳ игна,  
Меҳрибоним, бечорам.

Гарчи ғолиб — адолат,  
Майдонда бор адоват,  
Дилни тирнар рақобат,  
Меҳрибоним, бечорам.

Ҳақлик енгар ўлимни  
Ва ёритгай йўлимни.  
Маҳкам ушла қўлимни,  
Меҳрибоним, бечорам.

1976

\* \* \*

Мен худо эмасман,  
Менга бари бир,  
Шарт эмас қаршимда бермоғинг жавоб.  
Узим васл жаннатин тиланиб ахир,  
Ишқ деган дўзахда чекапман азоб.

Балки кўп дилларга бергандирсан зеб,  
Аввалги гуноҳлар ўзинг билган сир.  
Ишонтир яхшиси фариштаман деб,  
Мен худо эмасман,  
Менга бари бир.

1974

\* \* \*

Деразамга чойшаб ёпар тун,  
Юлдуз ухлар, кўзларим бедор.  
Тамакидан ўрмалаб тутун,  
Чексизликка тирмашади зор.

Уйда гўё менга недир кам,  
Ортиқчаман ёки уйимда..  
Хаёлимда сахий бир санам  
Имлар мени юпқа кийимда.

1978

\* \* \*

Қалбим эриб гўё мой,  
Ширин ҳисга кўмилди.  
Қип-яланғоч бўлиб ой,  
Булутларда чўмилди.

Борай десам ушбу кеч,  
Олисдадир ватани..  
Кўз олдимдан кетмас ҳеч  
Унинг оппоқ бадани.

1977



## ШОИР ВИДОСИ

Мана, қалбим тугёни тинди,  
Нигоҳимдан сўнди дардчил чўғ.  
Пойингга бош уролмам энди,  
Тилгинамда энди шарбат йўқ.

Мана, тинди қалбим тугёни  
Ва унутдим ташналик ҳиссин.  
Сенга бердим ёруғ дунёни,  
Бошга урмам сочларинг исин.

Тинди қалбим тугёни, мана,  
Куй авжида узилгандек тор.  
Ўтди довул, ўтди пўртана,  
Энди сокин яшайвер, дилдор.

1974

## ЕСЕНИННИНГ ПОРТРЕТИГА БОЎИБ

*Севимли устод Эркин Воҳидовага*

Кел, Сергей,  
Қарз бергил илҳомдан пича,  
Гонорар олган кун эриб тургандай.  
Ахир, сен қабрингда жим ётган кеча  
Арвоҳинг иккимиз бўлиб ичдик май.

Сатрлар рельсининг устида қотиб,  
Турибман кўмирсиз паровоз мисол.  
Айт-чи,  
Сен ёзганда «Аёлга мактуб»,  
Чекмоқдан умрингга етганми завол?

Агар мен бу кеча пуфлаган тутун  
Осмонда бир парча булут бўлсам,  
Севгидан орттирган дардларим бир кун —  
Ёмғирга айланиб,  
Инғларди роса.

Сен билган Твернинг кашандалари  
Санғирди қимнингдир чўнтагин кўзлаб.  
Мен эса,  
Давримнинг шўх бандаларин —  
Қалбини тунаш-чун юрибман бўзлаб.

О, ўзинг биласан,  
Қасбимиз оғир,  
Мен буни аниқроқ сезяпман бу кун.  
Гоҳи ўз қалбимни алдадим, ахир,  
Қимнингдир дидига мослашмоқ учун.

Билмадим,  
Таърифлаб беролармидим,  
Гар мендан сўрсалар шоир бурчини?  
Яхшиси, ўйланиб ўтирмай дердим:  
«Ҳаёт — май, шоирнинг юраги — чинни!»

Шу чинни косадан сипқориб майни,  
Сархушдил ўртандим неча тун, ҳеҳ-ҳей!  
Хўб кечдим илҳом деб аталган сойни,  
...Сен эса, жимгина ётибсан,  
Сергей.

Ётибсан Пугачёв ерида сокин,  
Бир вақтлар сен унга битгандинг достон.  
Торобий юртида юрибман,  
Лекин —  
Мен унга «тўртлик» ҳам ёзмабман ҳамон.

Кафтимга қўнган гард  
Валки Муҳанна,  
Наздимда, ҳў сўқмоқ — ундан қолган из.  
Парижда туғилмай ҳали мард Жанна,  
Ёвларга от солган бунда Тўмарис...

Упаман бир чимдим, боболар ерин,  
Совет юрти, лекин бугун поёнсиз:  
«Куйлайман дунёнинг олтидан бирин  
Мухтасар ном билан  
Атаб уни Русь!»<sup>1</sup>

Бу кунни сен орзу қилгандинг кеча,  
Менинг ҳам тилагим ушалур шундай.  
...Кел, Сергей,  
Қарз бергил илҳомдан пича  
Гонорар олган кун эриб тургандай.

---

<sup>1</sup> Қўштирноқдагиси С. Есенин сатрлари (Э. Воҳидов таржимаси.)

## УЧЧАНОҚЛАР

---

### 1. АБАДИЙДИР ЭЗГУЛИК

\* \* \*

Мурғак қалба, ошналар,  
Ватан ишқи бошланар  
Кулбаларнинг шифтидан.

\* \* \*

Ранжмай тур бугунча,  
Биласан-ку, кўпинча —  
Мазах бўлар янгилик.

\* \* \*

Чандиқлар кўп танимда:  
Елкамдаги — ғанимдан,  
Кўксимдаги — дўстники,

\* \* \*

Маъқуллади оқиллар,  
Қарши чиқди жоҳиллар,  
Муғамбирлар — бетараф.

\* \* \*

Милтиқда йўқ илтифот:  
Гадоми ё олий зот,  
Бир хил ўқда ўлдирар.

\* \* \*

Кўз ёшларин артди у,  
Шўхчан қўшиқ айтди у,  
Ҳайрон боқар ганимлар.

\* \* \*

Шунча унвон олиб ҳам,  
Шунча нишон олиб ҳам,  
Суқрот бўла олмади.

\* \* \*

Денгиздан у чиқиб соғ,  
Маёққа гул қўйган чоқ  
Оч ётганди маёқчи.

\* \* \*

Деди менга бир жинни:  
— Жумани едик, ини,  
Шанбани ҳам ғажиймиз...

\* \* \*

Умрин бевақт сўлдирди,  
Уни бўғиб ўлдирди  
Олтинлар ва ёлғизлик.

\* \* \*

Ялмоғизга ўхшар вақт,  
Бериб қурчоқсимон бахт,  
Бизни ямлаб ўтади.

\* \* \*

Тўйиб олиб шаробга,  
Разм солдим атрофга, —  
Ер тентираб айланар!

\* \* \*

Қабиҳликда, зўрликда,  
Сотқинликда, кўрликда  
Бадномлик бор, шараф йўқ.

\* \* \*

Оч ётиб ҳам қулмоқни,  
«Инсонман» деб ўлмоқни  
Эплаганга офарин!

\* \* \*

Кўп жойларни кездим мен,  
Бетобликда сездим мен  
Ўз уйимнинг меҳрини.

\* \* \*

Юрт ҳақида бу ўғлон,  
Гапирмасди ҳеч қачон...  
Юрти учун жон тикди!

\* \* \*

Ой шодон, тун чароғон,  
Ухлар гўё чол Қўқон  
Худоёрхон қасрида.

\* \* \*

У беш юзга кирган кун  
Дилим бирдан бўлиб хун,  
Дедим: «Бобур... ўлганми?!»

\* \* \*

Чархдаги бор қаҳрамон —  
Бўлар оддий оломон,  
Битга жойга тўпланса.

\* \* \*

Очиларкан чечаклар,  
Туғиларкан гўдаклар,  
Абадийдир эзгулик.

\* \* \*

Тинмай кўз ёш тўкётиб,  
Кўз ёшига чўкётиб,  
«Бахтлиман!» деб қичқирди.

\* \* \*

«Қани ўша ваъдалар?»  
Деди аламзадалар,  
Умр бўйи алдангач.

\* \* \*

Ётга пастлик қилмади  
Ва нокаслик қилмади,  
Уғлим мағрур юрсин деб.

\* \* \*

Гўрков ишдан қайтпти,  
Тингланг, қўшиқ айтпти  
Эртанги гўр ҳақида.



\* \* \*

Азроилга дер майхўр:  
— Акаси, сал шошмай «ўр»,  
Шу кўзаям бўшасин.

\* \* \*

Лашкарларин қилди жам  
Ва Боязид ўша дам  
Туркияга айланди.

\* \* \*

Мен ўзимга қозиман  
Ва ҳозирча розиман  
Юрагимнинг хукмидан.

\* \* \*

Гўрўгли дер тушимда:  
«Жангчимисан? Тушунмам, —  
Қалқонинг бор, қилич йўқ...»

\* \* \*

Тўнғич ўглин кўмди чол,  
Оғир ўйга чўмди чол,  
Қарғаб узоқ умрини.

\* \* \*

Ошна, шу ҳам дардми, а,  
Куюнишинг шартми, а,  
Тухмат қилса қўрқоқлар?

\* \* \*

Ҳиссиётга берилмай,  
Одамларга кўринмай  
Яшаш ҳам бир истъод.

\* \* \*

Кўпдир амалнинг тури,  
Амалдорнинг энг зўри  
Фақат алик олади.

\* \* \*

— Кел, бериб тур отингни...  
— Аввал айт-чи зотингни,  
Киминг ўтган чавандоз?

\* \* \*

Туғилганмиз бир марта,  
Улганда ҳам албатта  
Сўнги марта ўламиз.

\* \* \*

Битта хонн бор жойда  
Бефойдадир, бефойда,  
Қалъалар ва соқчилар.

\* \* \*

Айланмай десанг ёвга,  
Бол берсанг ҳам бировга  
Аввал ўзинг ялаб кўр.

\* \* \*

Ҳордиқ бермай оёққа,  
Югурияпман қаёққа,  
Бобом ётган жойгами?

\* \* \*

— Қадимийдир бу сандиқ,  
Қопқоғида ҳон, чандиқ...  
— Пул сақлашган, менимча.

\* \* \*

Таъна қилмас мард одам,  
Таъна савоб ишни ҳам  
Айлантирар гуноҳга.

\* \* \*

Бибихоним энди қуш...  
Мозий ҳақда кўриб туш,  
Ухлаб ётар гумбазда.

\* \* \*

Огоҳ бўлинг, дўстларим,  
Гўдакларнинг кўзлари  
Аждодларнинг руҳидир.

\* \* \*

Бўлолмасанг суюкроқ  
Ҳамда ундан буюкроқ,  
Нега уни ўлдирдинг?

\* \* \*

Янглишмасам, бу шоир  
Ўз қалбига мусофир,  
Ёт қалбларга ҳукмдор.

\* \* \*

Хоқон юрса саломат,  
Тарихчилар маломат  
Ёғдиrolмас бошидан.

\* \* \*

Югуравер, толиқма,  
Энг муҳими — ҳовлиқма  
Манзил яқин қолганда.

\* \* \*

Ёши ҳозир етмишда...  
Келажак ва ўтмишга  
Бирдек ўчкор боқадди.

\* \* \*

Қорни тўйса юрди шод,  
Қорни очса солди дод,  
Яшаб ўтди эчкидек.

\* \* \*

Осдинг ўзбек Машрабин...  
Исёнкорлар мактабин  
Беркитмоқчи эдингми?

\* \* \*

Утар юзлаб хоқонлар,  
Чиқар минглаб фармонлар,  
Она меҳри ўзгармас.

\* \* \*

Пана жойга беркиниб,  
Паст товушда сўкиниб,  
Машқ қиляпти мардликни.

\* \* \*

Тушунтиринг бир оғиз,  
Эртакдаги ялмоғиз  
Ҳозир қайси соҳада?

\* \* \*

Уликларнинг хизмати —  
Тирикларнинг қисмати  
Едга солиб турмоқлик.

\* \* \*

Галаба ҳам икки хил:  
Бирисидан яшнар дил,  
Орланасан биридан.

\* \* \*

Мавжуд экан ҳамият,  
Давлат ҳамда жамият  
Ҳисоблашар шахс ила.

\* \* \*

— Айт-чи, бизда нима кўп?  
— Режа, мўлжал, чама кўп,  
Энг танқиси бу — имкон.

\* \* \*

Сен миниб кўр... Миниб ол!  
Рўй бермаса кори ҳол,  
Майли, мен ҳам мингашай.

\* \* \*

Гар ҳамёнинг қолса бўш,  
Ким ҳам бошга урар, хўш,  
Сендек қўли очиқни?

\* \* \*

Енголмагач олншиб,  
Мақтаб, қарсак чалишиб,  
Уни йўлдан урдилар.

\* \* \*

Ер юзида одам кўп,  
Ҳамдард сероб, ҳамдам кўп,  
Дадагинам йўқ холос...

\* \* \*

Нега бунча хафасиз?  
Хафа бўлманг, топасиз —  
Утган кундан бошқасин.

\* \* \*

Фалсафа кўп оламда...  
Биламан, оғир дамда  
Асқотар ўз фалсафам.

\* \* \*

Умр шундай бир таом —  
Мазалими, шўрми, хом,  
Ейишимиз шарт барин.

\* \* \*

Туйгулари боғдадир,  
Орзулари тоғдадир,  
Ўзи эса... хандақда.

\* \* \*

Тун. Ненидир излар кўр,  
Кўзи очиқ унга дер:  
— Шам-пам ёқиб олсанг-чи.



\* \* \*

Қойил унинг сабрига,  
Учраб бир дўст жабрига  
Қидиряпти яна дўст.

\* \* \*

Янчди неча говларни,  
Енгди қанча ёвларни...  
Мағлуб бўлди ҳирсидан.

\* \* \*

Темирданми асаби?  
Қилич янглиғ ғазабин  
Сақлар доим қинида.

\* \* \*

Ўчроқ эди ухлашга,  
Фикрлашга. Йиғлашга  
Имкон топа олмасди.

\* \* \*

Май кўзасин бўшатиб,  
Сўка кетди ўхшатиб  
Жамики бўш идишни.

\* \* \*

Қинга солиб шамширин,  
Ет, ожиз эл тақдирин  
Уйлолган зот — буюк зот.

\* \* \*

Уқ отилди ўрдакка,  
Урдак тушди кўлмакка,  
Чувалчанглар қочмади.

\* \* \*

Мен яшайман тиланиб,  
Сен яшайсан эланиб  
Деди гадоё қўрқоққа.

\* \* \*

Бўлмасайди ўч, ҳасад,  
Тобутдаги бу жасад  
Ҳали фарзанд кўрарди.

\* \* \*

Айтолмаган бир гапи  
Денгиздаги дур каби  
Қолди қалбин тубида.

\* \* \*

Бу эси паст ва латта  
Ишониб йўқ жаннатга,  
Чин дўзахда яшади.

\* \* \*

Тан олмасди ўлимни..  
Улаётиб, қўлимни —  
Қисиб қўйди «хайр» деб.

\* \* \*

У қувган эл тўпланди,  
У бузган юрт тикланди,  
Тирилмади Искандар.

\* \* \*

Дединг: «Дард ҳам — жозиба...»  
Ундай бўлса, розиман —  
Жозибасиз яшашга.

\* \* \*

Нам қидирма кўзимдан,  
Ғам қидирма сўзимдан,  
Улар бари дафтарда.

## 2. АБОРИГЕН! ДАРДЛАРИ

\* \* \*

Абориген дардлари  
Дунёдаги мардларни  
Аборигенча йнглатар.

\* \* \*

Қандай иблис доллар бу?  
Менга қарши ёллар у  
Ҳаттоки ўз ўғлимни.

\* \* \*

Қайсидир бир бемаъни,  
Қуриб берди кемани...  
Колумбда ҳам айб йўқ.

\* \* \*

Талон қилдинг боримни,  
Минг шукрки, оримни —  
Ололмадинг, беномус!

---

1 Ўз юртида беватан қолган Америка ҳиндуларига бағишланади.

Оч бўлса-да бу қуллар  
Чайласида тинч ухлар,  
Қулдор титрар қалъада.

\* \* \*

Очсам тарих китобин,  
Хўжайин чўзиб олтин,  
Дер: «Қилсанг-чи маишат...»

\* \* \*

Қириб олдинг хонамга,  
Ҳеч бўлмаса боламга  
Сўйла менинг тилимда.

\* \* \*

Бир яхшилик қил, ошна,  
Мени дорга ил, ошна,  
Осмай туриб босқинчи.

\* \* \*

Қизил танли бир сотқин  
Бус-бутун юрт ва халқин  
Кемтик жонга алмашди.

\* \* \*

Майли, бир кун тунайқол,  
Сўнг уйингга жўнайқол,  
Кўп суқланма даламга.

\* \* \*

Шукур қил деб зўрлашса,  
Ет қонунда хўрлашса,  
Демак қулсан, қарамсан.

\* \* \*

Жангдан омон қайтди у,  
Кўкрак кериб айтди у  
Қанча одам отганин.

\* \* \*

Ҳукмдорлар бир ҳовуч,  
Аммо минглаб «исковуч»  
Уларнинг зоғ кўзидир.

\* \* \*

Сигинманглар, бандилар.  
Биламан, бу тангрилар  
Ен босурлар зўрларга.

\* \* \*

Эҳ, Европа, Европа,  
Бўлсанг-да бизга опа,  
Ўз болангни ўйлайсан.

\* \* \*

Дўстларингни ошишди,  
Сенга қучоқ очишди,  
Демак... демак. сотқинсан!

\* \* \*

Қўрқмам хавfli йўлимдан  
Ва йўлдаги ўлимдан,  
Алданмоқдан қўрқаман.

\* \* \*

Келдим руҳан ярадор,  
Бергил малҳам ва мадор,  
Она-Ерим — ҳамширам.

\* \* \*

Бузманглар! Бу хароба —  
Халқим учун баробар  
Ўн жилдлик шоҳ асарга.

\* \* \*

Сенга фақат бу хоқон  
Бера олгай зар, унвон,  
Элга суюк қилолмас.

\* \* \*

Қутулмайсан ўлдириб,  
Руҳим дўлга қўшилиб,  
Сен аблахни савалар!

\* \* \*

Бир бошингда бунча ғам,  
Сенга ўзи нима кам,  
Нонми, пулми... Ватанми?

\* \* \*

Бу кинони кўрма, қўй,  
Сен кўрётган ушбу тўй  
Бизникимас, ўғилчам.

\* \* \*

Товуш келди қабрдан:  
«Адо бўлдим жабрдан,  
Эдим беҳад виждонли...»



\* \* \*

Пок кўрсатиб ўзини,  
Бўяр кўпнинг кўзини  
Айғоқчи ва фоҳиша.

\* \* \*

Ўғлим бир кун ўч олар,  
Ҳолдан тойса, куч олар  
Қабримдаги тикандан.

\* \* \*

Гофил, ожиз ва хоммиз  
Ҳам вақтинча омонмиз  
Чумолидай, пашшадай.

\* \* \*

Оқ танли бор бу гўрда...  
Елвормоқда у мурда  
Энди бизнинг худога.

\* \* \*

Томошабин жаноблар,  
Сизлар кўпроқ жавобгар  
Жаллодларга нисбатан.

\* \* \*

Жон берайлик, дўстим, шод,  
Биз орзиқиб, кутган зот  
Туғилажақ албатта.

\* \* \*

Нонин олиб кўйнидан,  
Миниб туриб бўйнига,  
Сэр, жирканма деҳқондан.

\* \* \*

Қул урганмиш ўғлини,  
Қафасдаги тўтини —  
Қўйворгани туфайли.

\* \* \*

Энг муҳими, ўртоқлар,  
Йўқолмасин Сайроқлар,  
Байроқдорни топамиз.

\* \* \*

Итоатли бўл, деднинг,  
Қаноатли бўл, деднинг,  
Давомини айтмадинг.

\* \* \*

Ғариб эди бечора,  
Изладию кўп чора,  
Охир гўрни танлади.

\* \* \*

— Келар, шундай замонлар,  
Чархда қолмас ёмонлар...  
— Бўларкан-да зўр қирғин?!

\* \* \*

Кўрлигини билишиб,  
Сўнг соқов ҳам қилншиб,  
Сохта унзон бердилар.

\* \* \*

Ялинманглар, ўгиллар!  
Ялинмоқдан тугилар  
Беорлик ва хоинлик.

\* \* \*

Тополмасанг бахтингни,  
Сўролмасанг ҳаққингни,  
Нега келдинг дунёга?

\* \* \*

Дор ва тазйиқ бор жойда,  
Эркнинг уфқи тор жойда  
Мард шоирлар туғилар.

\* \* \*

Кимдир унга тупурди,  
Мен индамай супурдим,  
Менинг она-Ерим бу.

\* \* \*

Деди кекса бодахӯр:  
— Майли, ҳушёр яшаб кӯр...  
Ҳушёрликка чидасанг.

\* \* \*

Ешли эди кӯзлари,  
Мунгли эди сӯзлари,  
Шафқат қилиб, алдандим.

\* \* \*

Менда битта савол бор:  
Нега атай қуриб дор,  
Осилишмас ўзлари?

\* \* \*

Зарда қилма тақдирга,  
Чунки бизни занжирга  
Солган нарса тақдирмас.

\* \* \*

Нон емади зорланиб...  
Тиланишдан орланиб,  
Ўлиб кетди хорликда.

\* \* \*

Тоғдан тушган бўрида  
Ва босқинчи ўғрида  
Эзгу мақсад бўлмайди.

\* \* \*

Ойнинг ярми қоронғу,  
Кўражакман мен ёғду  
Сени зулмат ютган кун.

\* \* \*

Бўлса бўлар қотилим  
Ут юрагим ё тилим,  
Хатарлиси нафсимдир.

\* \* \*

Кўзингни оч, эй, занжи,  
Сен сотётган бу қамчи  
Қалтаклагай ўғлингни.

\* \* \*

Кўриб қанча урушни,  
Юзлаб ватанфурушни,  
Яшаяпти, бу Ватан!

\* \* \*

Йиғсак барча қаламни,  
Бу халқ кўрган аламнинг  
Баёнига етмайди.

\* \* \*

Европалик солдат ҳам,  
Европача одат ҳам  
Аборигенга бир хил ёв.

### 3. ЭҲ. АЕЛЛАР ДУНЁСИ

\* \* \*

Ташвишланма. ёр, ҳечам,  
Ой ботмагдй бу кеча  
Ва тугамас бўсалар.

\* \* \*

Мени айлаб девона,  
Қалбимда бир жонона  
Яшар бефарқ, безавол.

\* \* \*

Елғиз юрсам дамо-дам,  
Товуш келар самодан:  
«Ношуд! Иўқми севгилинг?»

\* \* \*

Анграйтириб қизларни,  
Саргузаштин сўзларди  
Қисман ростни ҳам қўшиб.

\* \* \*

Куёвгинанг пулдормиш,  
Кийимларинг гулдормиш,  
Лек, зормишсан меҳрга.

\* \* \*

Мавжуд экан то аёл,  
Бўлиб бежо ўй-хаёл,  
Яшайверар шайтон ҳам.

\* \* \*

Хилватларда излар йўқ...  
Наҳот довдир қизлар йўқ  
Шундай катта қишлоқда?

\* \* \*

Ҳафароқман онамдан,  
Нега Сиздек санамдан  
Мени олдин туғмади?!

\* \* \*

Кўнгли бўшдир пок қизнинг,  
Чунки ширин мағизнинг  
Юпқа бўлар данаги.

\* \* \*

Бу художўй қария  
Жаннатдаги парига  
Уйланармиш уялмай.

\* \* \*

Топинг менга бир хотин,  
Суриштирманг таг-зотин,  
Шеърни севса бўлгани.



\* \* \*

Утмишидан беркиниб,  
Дафн этиб илк севгини,  
Бугун эрга тегяпти.

\* \* \*

Тафт йўқ жоҳил хотинда,  
Ухшар намхуш ўтинга —  
Тутаб, кўзни ачитар.

\* \* \*

Бир бўсага кўндирдим,  
Шу заҳоти синдирдим  
Муқаддаслик қадаҳин.

\* \* \*

Ундан сўнгги хат келди,  
Тоғдек вазмин дард келди  
Юпқагина қоғозда.

\* \* \*

Ҳар сафар кеч қайтасиз..  
Қайдан топиб айтасиз  
Эрга шунча баҳона?

\* \* \*

— Эҳ, аёллар дунёси!  
Борми унинг қиёси?  
— Ухшар тилло қонқонга.

\* \* \*

Куёв қалай, келиншо?  
Тушларингиз мабодо  
Келмадимми тескари?

\* \* \*

Жазманларин олқиши  
Севгилсини қарғишин  
Эшиттирмас бу қизга.

\* \* \*

У дунё — йўқ, о, санам,  
Жаннат билан жаҳаннам —  
Меҳринг билан қаҳрингдир.

\* \* \*

Тўхта, фурсат! Оқма, сув!  
Бағримдаги бу сулув  
Қаримасин ҳеч қачон.

\* \* \*

Ерда ётган сурагинг  
Гўё мендан сўради:  
«Бахтлимисан, бевафо!»

\* \* \*

Ер кўзида чақин бор,  
Қалбим, қўрқмай яқин бор,  
Йироқ кетсанг, куйдирар.

1979—1981

# ТАШРИФИНГИЗ ҚИЛДИ МЕНИ ЛОЛ

---

## ҚАҲРАТОН

Далли бўрон қилмоқда нолиш,  
Йиртилгандек улкан пар болиш,  
Тўзғиб тушар самодаж қорлар.  
Дўст аталган ўша беорлар  
Далдага зор бўлганим дамда,  
Ёлғиз қўйиб мени хонамда,  
Юргандирлар уйларин беабаб...  
О, уларда метиндек асаб!

Кимда асаб бўлса мустаҳкам,  
Чекинармиш ундан буткул ғам  
Ва мушқули битармиш осон...  
Балки, чиндир,  
Балки, ғирт ёлғон.

\* \* \*

Тамакини пайдар-пай тортиб,  
Хаёл деган кўлмакка ботиб;  
Синиққанот ўрдак сингари  
Учолмай шу кўлмакдан нари,  
Ултирибман кулбамда ёлғиз.

Сизни эсга олсам, барно қиз,  
Хушомад деб ўйламанг асло,  
Лутфингизга зормасман,  
Аmmo —  
Ҳайкал каби магрур ва ҳиссиз,  
Қоровулдек бедор ва ишсиз  
Тонгни қарши олгандан кўра  
Бошга ўтмиш лентасин ўраб;  
Куйланса-да жафолар нуқул,  
Ишқ қўшиғин тинглаган маъқул.

Дардчил қўшиқ,  
Лекин, менимча,  
Бошланиши ёмонмас унча.  
У қўшиқнинг кириш қисмида  
Бир овсарнинг сокин жисмида  
Тугён уриб илоҳий туйғу,  
Кўзларига қўнмайин уйқу,  
Хандон-хушон нафас олгани —  
Бир малакни севиб қолгани  
Куйланади жўшқин,  
Жарангдор,  
Тинглаганлар қўмсагай такрор.

У қўшиқнинг авжида эса,  
Қиз ёрига тутиб илк бўса;  
Эзгуликка жўрлаб дил созин,  
Лабдан тўкиб майин овозин,  
Оғуш ичра нозик тўлганиб,  
Ўз ишқини куйлағай ёниб.

Наҳотки у куйлагай ҳамон?  
Наҳот, бу — рост?  
Наҳот, бу — ёлгон?

\* \* \*

Хаёлимда эшикни очиб,  
Остонамга қорларни сочиб,  
Қирдингиз-у кулбамга секин,  
Бош эгиб жим турибсиз, лекин.

Ташрифингиз қилди мени лол..  
Кирақолинг, жоним,  
Бемалол,  
Гарчи энди қалбимда Сизга —  
Бераҳм ва бедаво қизга  
Топилмаса ҳамки дуруст жой,  
Илк бўсалар ҳаққи,  
Ҳойнаҳой,  
Ҳурмат этиб бахтим ўгрисин,  
Кўрсатурман уйнинг тўриси.

Бордир, ахир, қадим ривоят:  
Мардлик қилиб бир мезбон ғоят,  
Шод этмоқ-чун майхўр меҳмонин,  
Май топмагач,  
Тутиб ўз қонин,  
Жон берганмиш сўнгра беармон.  
Балки, чиндир,  
Балки, гирт ёлгон.

Кенг хонада ёлгиз ўзимиз,  
 Лек, афсуски,  
 Энди сўзимиз  
 Аввалгидек қовушмас сира.  
 Таъбим бир оз кўринса хира,  
 Кечиргайсиз ношуд мезбонни.  
 Ранжитмоқ-чун Сиздек жононни,  
 Мургак қалбим кинга тўлиб ё,  
 Онадан зўр аблаҳ бўлиб ё  
 Тугилишим керак эди мен.  
 Рухсат беринг,  
 Туриб энди мен,  
 Дамлаб ҳижрон каби аччиқ чой,  
 Сўнгра, гаплар топиб пойма-пой;  
 Йиғласа-да юрагим юм-юм,  
 Шод бўлишга тиришай бир зум.

Фақат,  
 Билмай турибман ҳозир.  
 Сизга нелар бўларкин манзур?  
 Истасангиз,  
 Кўнглингиз учун  
 Сочингизни силашим мумкин.  
 Ё қувликка солиб ўзимни,  
 Сохта қувонч тўлган кўзимни  
 Сизга тикиб турайми бирпас?  
 Ҳуснингиздан бўлган каби маст,  
 Гоҳ талпиниб,

Гоҳи афв сӯраб,  
Қаҳрингиздан бир оз хавфсираб  
Сӯзлашимни хоҳларсиз, балки?  
Тувакдаги гул каби ёки,  
Жамол очиб ночор ва маъсум,  
Бахш этайми сунъий табассум?

Лек. булардан бизга қандай наф?  
Сохта туйғу  
Ҳамда қуруқ гап  
На юракка беролгай далда,  
Чўғ бўлолгай ва на сандалга.  
Ундан кўра,  
Қордан қиз ясаб,  
Бир дақиқа туриб лабо-лаб,  
Сиз топтаган меҳримнинг ярмин —  
Унга сочсам,  
Бўлингки амин,  
Сиздан кўра эрирди тезроқ  
Ва қайта муз бўлмасди мутлоқ.

Афв сӯрайман сулув меҳмондан,  
Наҳотки қор тушиб осмондан,  
Ерда Сиздан бўлолса афзал?  
...Таажжуб,  
Яна қизишибман сал.  
Кулмоқчийдим,  
Ахир, мен мезбон..  
(Куйганим рост,  
Кулганим ёлғон.)



Жоним,  
 Қилиб кўринг-а фараз,  
 Ешлигимдан ҳамроҳим — араз.

Ҳали жуда гўдак чоғимда,  
 Юрмай туриб ўз оёғимда;  
 Кечроқ мамма тутгани боис,  
 Гинахонлик бўлар деб жоиз,  
 Юларқанман аямнинг юзин.  
 (Бу — раҳматли бувимнинг сўзи.)

Шим кийишни ўрганган кезим,  
 Энди кириб қолди деб эсим;  
 Ҳайит ёки байрам бўлган кун  
 Эркакча сарф-харажат учун  
 Маблағ сўраб кеккайганим дам,  
 Майдароқ пул берсалар дадам,  
 Олаётиб чақани ночор,  
 Қилар эдим хафалик изҳор.

Роса ўн йил ўқиб мактабда,  
 Қолавердим руҳан мен латта.  
 Мана, Сизга оддий бир мисол:  
 Дарс пайтида рўй бериб кор-қол,  
 Бўшаб қолиб давотим ногоҳ,  
 Сўрганим чоғ бор-йўғи сиёҳ,  
 Пастлик қилса бирон синфдош,  
 Кўзларимдан сизар эди ёш.

Уч-тўрт шеърим чиққач марказда,  
Амирийдек одимлаб аста,  
Борарканман йўлакдан танҳо;  
«Зўр шоир»га қилмасдан парво,  
Ен-веримдан ўтганлари дам,  
Ранжиганман одамлардан ҳам.

Ёшлар инжиқ бўлиши мумкин.  
Ҳатто ўттиз ёшда мен бугун  
Гарчи ноҳақ,  
Гарчи беҳуда  
Ва кулгили бўлса ҳам жуда;  
Панжам билан юзимни тўсиб,  
Ўлтирибман дўстлардан ўксиб.

Қайсидир чол айтганди ўғит:  
«Кўнглингни бўш қилмагин, йигит,  
Сақлай десанг курашларда жон...»  
Балки, чиндир...  
Балки, ғирт ёлгон!

\* \* \*

Бўлсам ҳамки аразгўй ва суст,  
Ҳар ҳолда бир одатим дуруст;  
Юрагимда узоқ турмас кин,  
Йўқса,  
Бўлиб қолардим худбин.

Уйлаб кўринг ўзингиз ахир,

Хоҳи ширин,  
Хоҳ бўлсин тахир,  
Борлиғи-ла гўзал ҳаётни —  
Кўплар ялаб тўймаган тотни  
Менга онам қилган-ку тортиқ.

Дадам эса, ҳаммадан ортиқ —  
Уйлар эди бахтим, тинчимни.  
Гоҳ оғритган бўлса ичимни,  
Бу суиқасд эмас,  
Соддалик.

Олсинлар деб саломга алик,  
Эгиламан одамларга ҳам.  
Чунки, улар бўлмасайди жам:  
Тошқин шавқим,  
Учкор аламин,  
Жангар туйғум,  
Дошли қаламин,  
Эркин орзум,  
Озод қўшиғим,  
Меҳрим,  
Қаҳрим,  
Севгим ва йиғим  
Хор бўларди бўм-бўш оламда, —  
Қабристонда порлаган шамда  
Бўлмагандек файзу нафосат.

Яшолмасдим дўстларсиз албат.  
Дафъатан шод бўлган онингда,  
Турмасалар ҳамки ёнингда;

Дилинг ногоғ ўкинган маҳал  
Кечикиброқ келсалар-да сал,  
Улар руҳнинг синмас таянчи,  
Қалб сандигин туганмас ганжи.

Меҳмонгинам,  
Бироқ, Сиз ҳақда  
Сўйлай олмам бунчалар мақтаб.  
Бўлиб ахир неча вақт бирга,  
Шерик қилиб ҳар нафас сирга;  
Тортиқ этиб кўнглимда борин,  
Илк севгимни  
Тўкмай оҳерин  
Қўлингизга тутқазсам-да, ёр,  
Бўлганмисиз мендан миннатдор?  
Танангизга солиб ранж, титроқ,  
Кипригингиз таққанда мунчоқ;  
Сиздан кўпроқ зирқираб таним,  
Тинчлантувчи гаплар айтганим  
Ҳеч бўлмаса ёдингиздадир?  
Тушунаман,  
Сизга бари бир,  
Юрганим чоғ руҳан дарбадар,  
Олмадингиз ҳолимдан хабар.

О, ранжитиб қўйдингиз кимни?!  
Мен ахир энг ноёб туйғумни  
Фақат Сизга юргандим асраб...

Ёрга бода тутган қирмиз лаб,  
Кўҳлик билан чимрилгувчи қош,  
Қувончлардан тўкилган кўзёш,  
Қабоҳатдан ўгрилган юзлар,  
Садоқатдан сўзлаган кўзлар,  
Қонда жўшган шиддат сурури,  
Шернинг отамерос ғурури  
Шу севгимга берганди пардоз...

Йўқ, булар кам,  
Булар ҳали оз.  
Айтсам,  
Наҳот адо бўлғуси?

...Гўдакларнинг ширин уйқуси,  
Шодагулнинг дилкушо атри,  
Шерозий ва Машрабнинг сатри,  
Оҳуларнинг ҳуркак нигоҳи,  
Келинларнинг нашъали оҳи,  
Ватанимнинг бағри кенглиги,  
Ёниқ қалбнинг ойга тенглиги,  
Қайс-Лайлининг севинч-ҳасрати,  
Ўзбекнинг бор гўзал одати  
Шу севгимда эди мужассам...

Йўқ, булар оз,  
Булар ҳали кам...

Алам билан эслайман ҳануз:  
Кўкдан узиб бергандек юлдуз,

Кўзингизга боқиб пурвиқор,  
Этганим чоқ севгимни изҳор,  
Дегандингиз қилиб Сиз гумон:  
«Балки, чиндир,  
Балки, ғирт ёлғон...»

\* \* \*

Садқан сар чекканим ранжим.  
Сезмоқдаман,  
Энди юпанчим  
Янги тонгдан умид  
Ва чидам.  
Хотиротга айланган дадам  
Бугун тунда тушимга кириб,  
Ажабмаски, тасалли бериб,  
Овунтирса эрка фарзандин.  
Она ўтга отмас дилбандин, —  
Уша содда, олижаноб зот  
Вафодордир менга умрбод.  
Инонаман,  
Бу кун тўксам ёш,  
Бирон дўст ё собиқ синфдош  
Артиб қўяр уни ўша тоб.  
Олмоқ учун шунчаки савоб,  
Ҳар иккинчи нотаниш одам  
Қўйгай менинг дардимга малҳам.  
Яна англаб етдимки бугун:  
Дунёда энг чеҳраси гулгун,  
Бағри баҳор тонгидек илиқ,

Бор вужуди меҳрга тўлиқ  
Покдомон ва сахий шу Ватан —  
Севгимга энг лойиқ гулбадан!

\* \* \*

...Хаёлимда эшикни очиб,  
Остонамга қорларни сочиб,  
Кирдингиз-у кулбамга секин,  
Бош эгиб жим турибсиз, лекин.

Афсус,  
Ташриф буюрдингиз кеч...  
Хам қилманг, лек, бошингизни ҳеч.  
Чунки, Сизни кўрсам дилпора,  
Қўрқаманки,  
Қалбим бечора  
Дош беролмай, йиғлагай такрор...  
Жоним,  
Мени қийнаманг бекор.

Вазиятни очиқ айтганда,  
Мен аразгўй,  
Ношукр банда  
Сиздек оқил жононни бугун  
Майда-чуйда айбингиз учун  
Таҳқирлашга турибман тайёр.

Ташқарида ҳануз ёғар қор..  
Момиқ парлар тўзғитиб само,

Лойда ётган ишқимни гўё  
Дафн этишга бермоқда ёрдам.

...Ишқим бир бор кўмилди,  
Эркам!  
Уни қайта кавлаб олишга,  
Сизни такрор севиб қолишга  
Менда энди этишмас имкон...

Енганим рост,  
Тонганим ёлғон!

1976



\* \* \*

Шаҳид бўлди бири навқирон,  
Иккинчиси туғилди бевақт.  
Ултирибман хомуш ва ҳайрон,  
Марсиями ёки битай мадҳ?

Совуқ боқдим зимдан гўдакка,  
Марҳум эси кўринди гулгун...  
Қарилликни олиб йўрғакка,  
Ешлигимни дафн этдим бугун.

1975

## МУНДАРИЖА

«Урилажак дўқлардан...»	3
-------------------------	---

### АБАДИИДИР НУР ВА ҲАҚИҚАТ

«Нодонларга арзим йўқ...»	4
Фарғоналиклар	4
Қодирийни эслаб	6
Қирғиз дўстимга	7
Мартин Иден	10
Муқаддас туйғу	12
«Болакайни барвақт уйғотинг...»	13
Машраб дор остида	14
«Сигаретинг сўнггиси бўлса...»	14
Пабло Неруда	15
Уғил	15
Саҳройи бола	17
Устозга мактуб	18
«Оқ байталнинг тақаси...»	20
Ҳамид Сулаймон	21
Қамчаткада кеч куз	21
Турғун Алимат	23

Болагина	23
«Шамол хомуш еляпти...»	25
«Қутлуг жангда...»	25
Али бобо ҳақида қўшиқ	26
«Булар бари бедаво...»	27
«Қаптарига меҳрибон бола...»	27
«Саксовулдек букчайиб...»	28
«Тураверсин...»	28
Шеърхонга	29

#### ҚУШЛАР САЙРАЙВЕРАДИ

«Атом...»	30
«Сизларга гул тутаман...»	30
«Жуда табаррук эди...»	31
«Кўп ёниб гапирдинг...»	31
«Бобонгга ўхшамагин, дедилар...»	32
«Хайр, деддинг...»	32
«Шамол гувлайверади...»	33

#### МЕНИНГ УЧУН ОРЗУДИР БАРИ

Кипригинг нега нам	34
Кетмагил	35
«Бўсаларни соғиниб...»	37
«Менинг учун орзудир бари...»	38
«Хилватларда кетмагил...»	38

«Шайтон деди...»	40
«Утаётиб...»	40
Ғазал шаклидаги шеърлар	41
Ҳазил	43
«Шири сўйлаб...»	44
Роберт Бёрнс	44
«Шири тушлар кўрпсиз...»	45
«Чамаси...»	46
«Балки Сизга гул керакдир!»	46
Бир пари бор	47
«Ўз тинчимни ўйлайман...»	49
«Бу дунёдан ўтганлар...»	49
«Қаерларда юриб эдингиз?»	50
«Дилбарим...»	50

#### ДИЛКАШ СЕРГЕЙ КУИЛАР ҚАЛБИМДА

Яшил туйгулар	52
«Битта шоир камайса...»	53
«Кўп азият тортасан...»	54
«Мен худо эмасман...»	55
«Деразамга чойшаб ёпар...»	56
«Қалбим эриб...»	56
Шоир видоси	57
Есениннинг портретига боқиб	57

#### УЧЧАНОҚЛАР

Абдидир эгулик	60
Абориген дардлари	76
Эх, аёллар дунёси-	86

Қадратон

92

«Шаҳда бўлди бири навқирон...»

105

На узбекском языке

АНВАР АБИДЖАН (АБИДЖАНОВ)

НЕ УХОДИ

Стихи

Тақризчи *Машраб Бобоев*

Редактор М. Аъзамов

Рассом Р. Зуфаров

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор Э. Сандов

Корректор А. Азимов

**ИБ № 2098**

Босмахонага берилди 11.11.84. Босишга рухсат этилди 22.03.85.  
Р 13064. Формати 60x90 1|32.  
Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма.  
Шартли босма л. 3,5. Шартли кр.-оттиск 3,75. Нашр л. 2,88.  
Тиражи 5000. Заказ № 88. Баҳоси 35 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар полиграфия ва китоб савдоси ишларн бўйича  
УзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия иш-  
лаб чиқариш бирлашмасига қарашли Бекобод шаҳар босма-  
донаси.

**Обиджон, Анвар.**

Кетмагил: Шеърлар. — Т. :Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 112 б.

Чиқиш маълумотларида авт.: Анвар Обиджон (Обиджонов).

Анвар Обиджон ҳаётимиз ҳақида меҳр билан кўпинча жилмайиб шеър битеди. Юзаки қараганда маънос бўлиб кўриган шеърлари ҳам ҳаётсеварлиги, кескирлиги, топогонлиги билан ажралаб туради. Мазкур тўпламга унинг она-Ватан, халқ, инсон ва унинг тақдири, улкан дўстлик, ҳамжиҳатлик, муҳаббат ва оқибат ҳақидаги шеърлари киритилди.